



Чоршанба

Mahalla

Газета 1996 йил январь ойидан чиқа бошлаган

Ўзбекистон Оқсоқоллар кенгаши, «Маҳалла» жамғармасининг нашри

Чоршанба кунлари чиқади

2

3

4

- ▶ Хотин-қизлар комиссияси: бурч ва ваколатлар
- ▶ Судан ёрдамга муҳтож

- ▶ Оқсоқол Бектойни қандай енгди?
- ▶ Кумёсқадаги боғчада...

- ▶ Етим ҳақи олов бўлиб куйдирур!
- ▶ Фаниматим — отам...

Бугуннинг савати

ҲАР КИМНИНГ ҲАЁТИ, ТАҚДИРИ — ЎЗ ҚЎЛИДА

30 июл куни пойтахтимизда содир этилган террорчилик туфайли бевақт ҳалок бўлган, эндигина йигирма уч ёшга кирган Ихтиёржоннинг дафн маросимини телевидение орқали кўриб кўнглим эзилди. Унинг менга фамилиядош экани не-не ҳаёллар уйғотиб, кўзим тўлиб ёш келди. Водариг, бир йигит ўзини ўзи ўлимга маҳкум этиб, миллат шаънини ерга уради, бошқа бир ўғлон эса жонини қурбон қилиб миллат шаънини кўкка кўтарди. Кўнглимда қабиҳ ниятли кимсаларга нисбатан нафрат ва ғазаб уйғонди. Тинч турмушимизга раҳна солмоқчи бўлган бу кимсаларнинг кимлиги бугунги кунда аслида ҳеч кимга сир бўлмай қолди: кўзи кўр, дунёқараши тор, бошқалар қўлида кўгирчоққа айланган гофил каслар.

Аммо улар осмондан тушаётгани йўқ-ку? Улар ҳам бизу сиз билан бир давр, бир замонда яшамоқда-ку? Бизу сиз билан бирга бир заминда яшаб, бир ҳаводан нафас олиб келаётган ота-оналарнинг, кўни-кўшилларнинг фарзандлари-ку? Наҳотки, бир йигит тойиб-тойиб ҳалокатли жар ёқасига боргунича биз бундан бутунлай беҳабар қолдик. Ахир, неча йилдан бери огоҳлик, ҳушёрлик ҳақида бонг урамиз. Нотўғри йўлга кириб кетаётганларни кўра-ғилга туриб бу йўлдан қайтармаслик ҳам гуноҳ, дея тарбия бермаганми ота-оналаримиз бизга? Миллатимиз фидойилари ҳар бир фуқаро Ватани ўзининг улкан бир оиласи, ҳар бир юртошини шу оиланинг аъзоси — отаси, онаси, ака-укаси, опа-синглиси қадар яқин олса, шундай олижаноб орзу-умид билан яшасагини бир миллат бўлиб ном қозонишни, фақат шундагина тараққиёт, тўқинлик, фаровон ҳаётга эришиши мумкинлиги ҳақида бонг уриб келишмаяптими? Кўзимиз қачон очилади, ориятимиз қачон уйғонади?

Бугун биз шундай бир замонда яшаймизки, бир қарашда минтақавий туюлган инқирозлар ҳам бутун дунё мисқисда муаммага айланиб бораётти. Терроризмнинг бошқа эъронликлардан фарқи шуки, у алоҳида шахсларгагина эмас, жамият ва давлатга қарши қўпуровчилик ишларини амалга оширмоқда. Терроризм давлат ва жамият душмани сифатида таъжовуз қилмоқда.

Халқро терроризм дунёнинг гоҳ у мамлакатда, гоҳ бу мамлакатда, гоҳ Ватан, гоҳ миллат, гоҳ дин манфаатлари ниқоби кинаятган бўлса-да, унинг на Ватани, на

миллати ва на дини бор. Қўпуровчилик, бузғунчилик, беғуноҳ одамларнинг қонини тўкиш орқали одамлар орасига қўрқув ва ваҳима, низо ва адоват солиш, пировардида маълум ҳудудда стратегик нуфузга эга мамлакатни ўз сиёсий таъсири доирасида ушлашга, шунинг орқасидан ноқонуний бойлик ортириш, наркотик моддалар, қурол-яроғ савдосини авж олдиришга уринмоқда. Бу йўлда гофил, омадсиз, аламзада, инсон ҳаёти, умр мазмуни ҳақида тушунчаси тор, фикри ожиз, мияси айниган кишиларни кўгирчоқ қилиб уйнатмоқда.

Кези келганда айтиш керакки, муқаддас Қуръонда ўзини ўзи ўлимга маҳкум этиш энг катта гуноҳи азим саналади, ҳудода шак келтириш билан баробар эканлигини диндорларимиз ҳам қайта-қайта таъкидлашмоқда. Умуман, бу масалада жуда ҳушёр ва ҳолис бўлиш зарур.

Бундан оддий хулоса шуки, вайронагарчиликларга сабаб бўлаётган, ўзини ўзи портлатаётган, беғуноҳ инсонлар қурбон бўлишига олиб келаётган бундай қабиҳ жиноятнинг, гаразли кимсалар овоза қилишга уринмоқчи бўлганидек, динга ҳеч қандай алоқаси йўқ.

Халқро террорчилик йилдан-йилга манфур кифёсини ўзгартириб, янги-янги имкониятлар қидираётгани ҳам сир эмас. Оммавий ахборот воситаларида мутахассислар дунёдаги ҳозирги вазият бир қанча ўзига хос хусусиятларга эга эканини таъкидлашмоқда. Биринчидан, жохон иқтисодиётида бугун қонуний фаолият ҳам, ноқонуний фаолият ҳам кескин кучайиб бормоқда. Иккинчидан, террорчилар учун маблағ муаммоси кескинлашмоқда. Негаки, уларнинг мо-

ливий манбалари давлатлар томонидан ёпиқмоқда.

Сўнги пайтларда террорчилик эркин ҳаракат қилаётган гуруҳлар кўринишида намоён бўлмоқда. Террорчиликка қарши соғлом кучлар ва давлатлар таъйини туфайли давлат томонидан молиялаштириш манбалари камайиб бораётган шароитда ўз-ўзича ҳаракат қилаётган алоҳида кимсалар ва алоҳида гуруҳлар эндиликда бошқа молиявий манбалар, жумладан хусусий ҳомиёлар, наркотик моддалар савдоси, яширин иқтисодий фаолият, жиноятчилик ва қурол-яроғ савдосидан тушган ноқонуний маблағлардан фойдаланишга уринмоқда. Террорчи гуруҳларнинг жангарилар тўдасига эга наркотик тужжорлар билан ўзаро ҳамкорлиги, айниқса, хавфли тус олаётир. Бу ўзгаришлар сиёсий ниқобланган террорчиликдан диний ва мафкуравий ниқобдаги террорчилик кўринишларини содир этишда рўй бермоқда. Инсон ҳуқуқларини топтаб, давлатларнинг конституциявий тузумларига раҳна солмоқда.

Халқро террорчилар бугун одамлар гавжум жойларда машиналар ва иморатларни портлатиш, ўзини ўзи ўлимга маҳкум этиш баробарида беғуноҳ инсонларни қурбон қилиш каби оммавий тус олган қабиҳликдан бундан ҳам даҳшатлироқ — ялли қирқин қуроллари ёки компьютер қўпуровчилиги каби ваҳший усулларни қўлламайдми, дея ҳеч ким қафолат бера олмайдми.

Шунинг учун ҳам мутахассислар, халқро терроризм муаммосини унинг бирон тузилма ёки ташкилотини мавҳ этиш билан бартаара қилиб бўлмамлигини, глобал бу хавф балосидан халос бўлиш учун

бугун тараққий этган жамият террорга қарши бир мушт бўлиб ҳам сиёсий ва иқтисодий таъсир чораларини кучайтириши лозим.

Бугунги кунда шу нарса ҳам яққол аёнки, халқро терроризмни фақат давлатларнинг қатъий иродаси билангина енгиб бўлмайди. Бу балои қазони барча давлат ва жамоат ташкилотлари, ҳар бир фуқаро ҳушёрлиги ва огоҳлиги туфайлигина енгиш мумкин. Менинг назаримда, биз айнан шу масала — жамоатчилик институтлари, нодавлат ташкилотлари ва маҳалла-қўй ва ҳар бир фуқаро ҳамкорлиги борасида суस्ताшлик қилаётганга ўхшаймиз. Президентимиз оммавий ахборот воситаларига берган интэрвьюсида таъкидлаганидек, ўз уйимизни, ўз юртимизни ўзимиз асрашимиз даркор.

Шуни ҳам айтиш керакки, халқимиз азал-азалдан бағри кенг ва кечиримли халқ. Давлатимиз раҳбари ҳам Ҳукумат комиссиясининг кенгайтирилган йўғилишида халқимизнинг ана шу фазилатини ва давлатимизнинг инсонпарварлик сиёсатини яна бир қарра тасдиқлаб: «Бир-биримизга меҳр-оқибатли бўлиб, бир-биримизга суяниб, елкадош бўлиб баҳамжихат ҳаракат қилсак, бизнинг ҳаётимизга ҳеч қандай ёвуз куч хавф солмайди. Мана шундай ҳаракатлар ҳозирданок ўз натижасини бераётганини, қилмишидан пушаймон бўлган йигитларимизнинг ота-оналари билан бирга милиция ва прокуратура идораларига авф этишни сўраб келаётгани мисолида ҳам кўришимиз мумкин. Ота-онаси, маҳалла оқсоқоллари уларнинг нотўғри йўлдан қайтганига, энди бу йўлга кирмаслигига қарғил бўлмоқда. Биз ўз айбига иқдор бўлиб, бундан буён қонун асосида яшашга ваъда берганларин албатта кечирамиз. Чунки биз ҳеч кимга ҳеч қачон душман бўлмаганмиз, бўлмаймиз ҳам» деб айтди.

Буни адашган кимсаларга берилган яна бир имконият деб тушунишимиз лозим. Демокриманки, ҳар кимнинг ҳаёти, тақдири ўз қўлида. Бу ҳақиқатни унутмаслик лозим.

Саъдулла ҲАКИМ,
шоир, Ўзбекистон Республикасида
хизмат кўрсатган маданият ходими.

Олимпиада

ОҚ ЙЎЛ, ОЛИМПИАЧИЛАР!

Греция пойтахти Афина шаҳрида XXVIII ёзги Олимпиада ўйинлари бошланганига саноқди кунлар қолди. 3 август куни мамлакатимизнинг Олимпиадада иштирок этадиган дзюдочи ва сузувчилари жамоалари Ўзбекистон Давлат жисоний тарбия ва спорт қўмитаси ҳамда Миллий Олимпия қўмитаси вакиллари ҳамроҳлигида Афинага жўнаб кетди.

Тошкент аэропортида олимпиячиларимизни тантанали кузатиш маросими бўлди.

Афинада мамлакатимиз шарафини спортнинг 15 тури бўйича 69 нафар спортчи ҳимоя қилади.

Зоҳир ТОШХҲАЕВ,
ЎЗА муҳбири.



СУРАТДА: Афинага йўл олган спортчиларимиздан бир гуруҳи.


Самарқанд вилояти

риш ишларини бир ёқадан бош чиқарилган ҳолда бажариш лозимлигини таъкидладилар.

Шоҳи Зинда мажмуаси Самарқанд шаҳрининг шимолий шарқий қисмида жойлашган XI асрга доир бетакор меъморий ёдгорлик ҳисобланади. Мажмуанинг дастлабки иншоотлари XI-XII асрларга тегишли бўлиб, уларнинг фақат пойдевор, девор ва бурчак қисмларигина сақланиб қолган. Бизгача етиб келган иншоотларнинг асосий қисми XIV-XV асрларда қурилган.

Кўна Самарқанднинг ўтмиш тарихи акс этган бу бетакор меъморий ёдгорлик ҳуқуматимиз Қарори ижросидан кейин сайқал топиб, нафақат ватандошларимизнинг, балки дунё мусулмонларининг муқаддас қадамжосига айланади.

Азимжон ҚОДИРОВ,
«Mahalla» муҳбири.



ИНСОНИЙЛИК ЁВУЗЛИКНИ ЕНГАДИ!

Ҳаёт инсонга берилган энг олий неъмат. Унинг қадрини тўғри англаган ҳар бир инсон тинч-хотиржам умр кечиришни, меҳнат қилишни, фарзандлари камолини кўришни орзу-ҳавас қилади. Гарчи айни кунларда тинчлигимизга раҳна солиш учун турли разилликларга қўл ураётган манфур кимсалар учраса-да, улар халқимизнинг тинч меҳнат, осойишталикка интилувчи табияти, жипслиги туфайли мағлуб бўлмоқдалар. Инсонпарварликка йўғрилган турли хайрли тadbирлар эса бу жипсликни янада мустаҳкамламоқда.

Урганчдаги «Наргис» оишонсида уч йилдан бери давом этиб келаётган ибратли анъана мавжуд. Бу ерда ҳар жума куни кўпчилик тўқин дастурхон ёзилади. Шаҳардаги 22 та маҳалладан кам таъминланган оила вакиллари, бева-бечоралар, етимлар, кексалар, ногиронлар, шунингдек, Кўрлар жамияти аъзолари, жъами 150 нафар фуқаро оишонсида, тўқин дастурхон атрофида тўпланадилар.

Суратда: Оишонанинг пазанда ошпази Сабур БОБОЖОНОВ хизматга ҳамиша шай туради.

Рашид ГАЛИЕВ олган сурат.

Mahalla



— Яна нима дейди?
— Халқимиз хоҳиш иродасини ҳеч ким бука олмайди, — дейди.

ШОҲИ ЗИНДА САЙКАА ТОПАДИ

Яқинда миллий меъморчилигимизнинг ноёб дурдониси — Самарқанд шаҳридаги Шоҳи Зинда ёдгорлик мажмуасини қайта тиклаш, таъмирлаш ва ободонлаштириш ишларини ташкил этиш, унинг инфратузилмасини ривожлантириш мақсадида Вазирлар Маҳкамасининг шу ҳақдаги Қарори қабул қилинган эди.

Ушбу Қарор ижросини таъминлаш ишларини ташкиллаштириш юзасидан Самарқанд шаҳрида кенг жамоатчилик иштирокида катта очик мулоқот бўлиб ўтди. Мулоқотда Республика Оқсоқоллар кенгаши ва «Маҳалла» хайрия жамғармаси раиси А.Гадоибоев, жамғарманинг вилоят бўлими раиси Т.Қур-



бонов, Самарқанд шаҳар ҳокими С.Рафиқовлар иштирок этдилар. Анжуман иштирокчилари Шоҳи Зинда ёдгорлик мажмуасида амалга оширилиши режалаштирилган таъмирлаш ва ободонлашти-

АЁЛ ҚАЛБИ ТУЁНИ...

Вилоят хотин-қизлар қўмитасининг ҳисобот-сайлов анжуманидан сўнги ўйлар

Ўзбекистон Республикаси Президентининг шу йил 25 майдаги «Ўзбекистон хотин-қизлар қўмитаси фаолиятини қўллаб-қувватлаш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони ва шу ҳақдаги ҳукумат қарори талабларидан келиб чиқиб, аёллар ҳаёти ва фаолияти ҳамда келажаги билан боғлиқ муаммоларни фақат сўзда эмас, амалда ҳал этиш лозимлигини ҳар биримиз аниқ ҳис қилмоқдамиз.

Вилоят хотин-қизлар қўмитаси раиси М.Содиқова конференцияда давлат ва жамият тараққиётида аёлларнинг роли, турли соҳадаги ютуқ ва камчиликлар, ташвишу ўйлар, оналик ва болаликни асраш, тиббиёт соҳасидаги масалалар, айниқса, қишлоқ ҳўжалиги соҳасида тер тўкиб меҳнат қилаётган хотин-қизларнинг бугунги аҳволи, уларни ташвишга болаётган муаммоларни ечиш чора-тадбирлари тўғрисида сўзлади.

Конференцияда ислом дини ниқоби остида ҳаракат қилаётган турли оқимлар, қора ниятли диний ақидадарастлардан Бухороий шарфий туپроғини батамом тозалаш, аёллар ўртасидаги жиноятчилик ва гиёҳвандлик ҳолатларининг олдини олиш, фоҳиша-бозлик, қўшмачилик ва шу мақсадда хориж мамлакатларига жўнаётган хотин-қизларнинг ўзбекона ҳаёт тарзимизга ёт бўлган бундай хатти-ҳаракатига барҳам бериш бугуннинг муҳим вазифаси эканлиги алоҳида таъкидлаб ўтилди.

Вилоятнинг энг чекка Қизилрабат (Ромитан тумани) қишлоғидан Н.Милтиқбоева чўл минтақасида жойлашган қишлоқларда газ, сув, техника манбаларининг муаммолари, ҳомиладор ва бемор аёлларга тиббий хизмат кўрсатиш кўнгилдагидек эмаслиги, дори-дармонлар танқислиги ва маданий ҳордиқ масканларнинг ёмон аҳволда эканлиги, бу масалаларга уларга жиддий эътибор зарурлиги тўғрисида очик ва аччиқ фикрларини айтди.

Хориж мамлакатларида авж олаётган ва осойишта ҳаётга раҳна солаётган турли ақидадараст диний оқимлар бизнинг диёримизни ҳам четлаб ўтмаяпти. Бугунги кунда жонқур аёлларимиз ҳам уларга қарши курашишни ўз бурчлари деб билишмоқда. «Жўйбори калон» хотин-қизлар мадрасаси директори Мавлуда Ғуломованинг диний экстремизм ва ақидадарастликнинг ёмон иллатлари ҳақидаги сўзи тadbир иштирокчилари томонидан қўллаб-қувватланди.

Шундай иллатларга гувоҳ бўлган Ромитан тумани Қаҳрамон қишлоқ фуқаролар йиғини Хотин-қизлар билан ишлаш комиссияси раиси Шаҳодат Жамоловнинг "...Биз гафлатда қолдик. Тинч, осуда кун бағрида қишлоқ аҳли даҳшатли портлашдан чўчиб тушди. Ҳеч ким кутмаган, ҳатто хаёлга келмаган кучли ларза бутун қишлоқни зир титради... Токи, танимизда жонимиз, вужудимизда қонимиз жўш ураётган экан, биз аёллар — миллат тарбиячилари ватанфуруш, қаллоб кимсаларга қарши курашишимиз, уларни қора ниятларидан қайтаришимиз шарт ва зарур...», — дея қуюнчақлик билан айтилган сўзлари аёллар қалбига дард бўлиб чўккан, кўнгилларга тош бўлиб осилган туйғуларни жунбушга келтирди, ҳушёрликка яна бир бор даъват бўлди.

— Чиндан ҳам аёл — миллат тарбиячиси, оила чирогои. Тўлақонли, соғлом ва баркамол фарзандни камолга етказувчи тadbиркор. Унинг бағрида ўсаётган фарзанд Ватан келажаги учун чинакам инсон бўлиб камолга етиши лозим. Ҳурматли Президентимиз таъкидлаб ўтганларидек, ўз уйимизни, ўз Ватанимизни ўзимиз асрамоққа чин дилдан киришсак, киндик қонимиз тўқилган юрт ёт унсурлардан тозаланиши, шубҳасиз! — «Қорақўл — 2000» тadbиркорлик фирмаси ходими Насиба Йўлдошеванинг ушбу фикрларини анжуман иштирокчилари яқдил қўллаб-қувватладилар. — Шундай эъзозга, шундай ардоққа биз ҳам Ватанга муҳаббат, элга садоқат туйғуларини жо қилиб жавоб бермоғимиз ва ўз ўрнида Ватан ҳам Аёлига суянахагини унутмаслигимиз даркор, — дея таъкидлади нотик.

Анжуманда Ўзбекистон Республикаси Бош вазир ўринбосари, Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси раиси С.Иномова қатнашди ва маъруза қилди.

Тadbирда вилоят ҳокими, Олий Мажлис депутати С.Хусенов нутқ сўзлади.

Тadbирда сайланган Хотин-қизлар қўмитаси янги таркибининг биринчи пленумида Маҳбуба Содиқова вилоят Хотин-қизлар қўмитаси раиси лавозимига қайта сайланди.

Лайло ҲАЙИТОВА

Сайлов саводхонлиги

«Бунёдкор» ёшлар телеклубида бўлажак икки палатали парламент сайловларида ёшларнинг фаол иштирокини таъминлаш, уларни кўппартиявийлик тизимининг мамлакатимиз ва жаҳон тажрибаси, амалиёти, сайлов қонунчилиги-миздаги янгиликлар билан яқиндан таништириш мақсадида «Ёшлар ва сайлов маданияти» мавзусида туркум семинарлар ўтказилди.

ЁШЛАР ВА САЙЛОВ МАДАНИЯТИ

Фуқаролик жамиятини ўрганиш институти ва Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партияси ҳамкорлигида ташкил этилаётган ушбу тадбирларнинг бу галгиси юртимиз иқтисодий тараққиётини таъминлашда амалга оширилаётган ислохотлар самарасига бағишланди. Тадбиркорликни ривожлантиришда маҳаллий хомашё ва хорижий инвестициялардан фойдаланишга қаратилаётган эътибор, пул кредит, солиқ-бюджет тизими ҳамда банк соҳасида эришилаётган ютуқлар таҳлил этилди.

Б.ХИДИРОВА,
ЎЗА мухбири

ИШОНЧЛИ ВАКИЛНИНГ ВАКОЛАТЛАРИ

Сайлов жараёни демократиянинг ажралмас қисми бўлиб, унинг ташкил қилиниши ва ўтказилиши нафақат мамлакатнинг ички ҳаётига, қолаверса унинг жаҳон миқёсидаги ўрни ва нуфузига ҳам сезиларли таъсир кўрсатади.

«Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида»ги (янги таҳрир) Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 28-моддасида ана шу жараёнда ишончли вакиллар иштироки ва ваколатлари кўрсатиб ўтилган.

Унда айтилишича, депутатликка номзод беш нафарга қадар ишончли вакилга эга бўлиши мумкин. Ишончли вакиллар номзод депутат этиб сайланиши учун ташвиқот юритадилар, давлат органлари ва жамоат бирлашмаларининг органлари, сайловчилар билан ўзаро муносабатларида, шунингдек, сайлов комиссияларида номзоднинг манфаатларини ҳимоя қиладилар.

Депутатликка номзод рўйхатга олинганидан кейин ўз ишончли вакилларини ўзи белгилайди ва бу ҳақда округ сайлов комиссиясига маълум қилади. Сайлов комиссияси ишончли вакилларни рўйхатга олади ва уларга гувоҳнома беради.

Депутатликка номзод округ сайлов комиссиясига маълум қилган ҳолда сайловга қадар ўз ишончли вакилини истаган вақтда ваколатидан маҳрум қилиши ва уни бошқаси билан алмаштириши мумкин. Ишончли вакил истаган вақтда ўз ваколатларини зиммасидан соқит қилишга ҳақли. Ишончли вакил сайлов комиссиясига аъзо бўлиши мумкин эмас.

ИШОНЧЛИ ВАКИЛНИНГ ВАКОЛАТЛАРИ

Кўринадики, сайлов жараёнида галаба қозониш нафақат номзоднинг ўзига, балки бу жараёнда ишончли вакилларнинг ўрни ва фаолиятига ҳам боғлиқдир. Чунки сайловнинг сиёсий онгига таъсир қилиш, фуқароларни ўз ортидан эргаштириш ишончли илмий-ғояларнинг ишончли вакиллар томонидан тарғибот қилиниши билан амалга оширилади. Сайловчи аниқ бир номзодга овоз бераётганида ўз тақдирини, оиласи тақдирини, қолаверса, давлат тақдирини шу номзодга топшираётганлигини англаши керак. Бунинг учун сайловчи кенг ахборотга, номзод ҳақидаги аниқ маълумотга эга бўлиши лозим. Шунинг учун ҳам бу ўринда ишончли вакилларнинг фаолияти муносиб номзоднинг фуқаролар томонидан сайланишида муҳим ўрин тутди.

Ишончли вакил тўғрисида гапирилганда, аввало шуни алоҳида таъкидлаш керакки, депутатликка номзод ишончли вакилни ҳар жиҳатдан ҳалол, пок ва виждонли бўлишини, ижтимоий дунёқараши кенг бўлган кишиларни танлашни ўз олдида асосий мақсад қилиб қолиши керак. Ишончли вакил сифатида ўз фаолиятини бошлайдиган ҳар бир шахс ўзи тарғибот ва ташвиқот қилаётган номзоднинг халқ, Ватан олдидаги бурчини ҳис қилиши зарур. Шу боис ҳам у фаолият бошлашдан аввал ёки ишончли вакил ваколатига киргунга қадар депутатликка номзодни ҳар жиҳатдан тўла ва мукаммал билиши шарт. Шундагина у ўз оиласи, ўз халқи, ўз Ватани олдидаги бурчини ҳалол уддалаган бўлади.

Муҳаммад ҲАКИМОВ,
Фуқаролик жамиятини ўрганиш институти илмий ходими,
Баҳодир ИСМОИЛОВ,
Фуқаролик жамиятини ўрганиш институти лойиҳа раҳбари.

Жиззах вилояти
ТАБИАТ ВА МАҲАЛЛА
ушбу ҳамкорлик атраф-муҳит муҳофазасини таъминлайди
Кунин кеча «Маҳалла» жамағатси вилоят бўлимига қарашли «Маҳалла» марказида «Маҳалла: тадбиркорликни ривожлантириш ва атраф-муҳит масалалари» мавзусида семинар-тренинг ўз ишини бошлади.



Самарқанд шаҳридаги 6-Меҳрибонлик уйда тарбияланаётган қизларни касбга ўргатиш, уларни оилавий ҳаётга тайёрлаш мақсадида маскан тасарруфидида «Тикувчилик тўғрисида» фаолияти йўлга қўйилди. Ҳозирда тўғрақ аъзолари тикиш-бичиш, чеварлик, зардўзлик сир-синаотларидан сабоқ олмоқдалар.

Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилоти (ЕХТ)нинг Тошкент маркази ҳамда Ўзбекистон Оқсоқоллар кенгаши ва «Маҳалла» жамағатси ҳамкорлигида ташкил этилган мазкур тадбирда вилоятдаги маҳалла ва қишлоқ оқсоқоллари, тадбиркорлар иштирок этдилар. Анжуманда Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилотининг Тошкент маркази мутахассиси Алишер Исломов, Республика табиати муҳофаза қилиш қўмитаси қошидаги Тошкент илмий текширик институти сув ва геология бўлими раҳбари Раҳматулла Хабирилов сўзга чиқиб, экология ҳимояси, атраф-муҳитга оид қонунчиликни мустаҳкамлаш, тадбиркорликни ривожлантириш, чиқиндиларни қайта ишлайдиган корхоналар барпо этиш, маҳаллаларни ободонлаштириш имкониятлари каби мавзуларда маъруза қилдилар. Семинар-тренинг қатнашчилари ўзларини қизиқтирган саволларга жавоб олдилар. Иш режалари билан ўртоқлашдилар. Уларга юқорида тилга олинган масалалар юзасидан маслаҳатлар берилди. Тадбир бугун ҳам давом этмоқда.

Пардабой ТОҲИБОВ,
«Mahalla» мухбири.

СЎКЧИЛИКДА АҲЛЧИЛИК БОР

Тўрт йилдан буён Сўкчилик маҳалласига раислик қилиб келяпти. Шу давр ичида маҳалла кифоаси тубдан ўзгариб Одамлар уюшиб, ўз муаммоларини биргаликда ҳал қилиб, ҳаётларини яна ҳам тўқин, файзли қилишга интилиб яшамоқда.

Утган киш маҳали раис бува вилоят марказига кўп қатнади. Маҳалласида газ таъминотини яхшилаш ташвишида кўп идораларга бош суқди. Ниҳоят ҳар бир хонадонда табиий газ пориллаб, қозон қайнатадиган, печларни иситадиган бўлиб қолди. Албатта бу ишлар осонгина битгани йўқ. Янги қувурлар солиш олиш, уни монтаж қилиш, баъзи хонадонларда газ тармоқларини янгилашга тўғри келди. Бу масалалар ҳам оқсоқолни кўллаб-қувватловчи хомий ташкилотлар, тадбиркорлар топилди.

Беш юздан ортиқ хонадонли маҳалла худудидан Марғилон—Заркент айланма йўли ўтади. Кейинги йилларда бу йўл анча серкатнон бўлиб қолди. Сўкчилик йўл ёқасини обод қилиш, хизмат кўрсатиш ша-ҳобчаларини барпо этиш ҳаракатини ҳам бошлаган. Меҳнат фаҳрийси Неъматжон хожи Маҳдумов ўғиллари Шавкатжон, Шукрulloларни ёнига олиб ўзига хос гузар кўрди. Бу ерда аҳоли учун зарур бўлган озиқ-овқат дўкони, чойхона, хўрақхоналар бор. Ушбу гузарда йўловчиларга ҳам, маҳалла аҳлига ҳам хизмат кўрсатилади.

Маҳаллада ёлғиз кексалар, кам таъминланган оилалар, боқувчисини йўқотганлар, ногиронлар — 100 дан ортиқ. Уларнинг қўнгилни олиш, мурувват кўрсатиш алоҳида эътиборда. Янги йил ва Наврўз байрамлари арафасида уларга икки миллион сўмликка яқин совға-саломлар улашилди. Наврўз хотин-қизлар байрамлари эш-қўш қилиб ўтказилиб, маҳалла аҳлига ош тортилди. Сўкчиликнинг бу баҳор тўйига кўшни Сада, Қонизар, Катта кўча қишлоқ ва маҳаллалардан ҳатто туман ва вилоятдан ҳам меҳмонлар қатнашди. Бу тадбирларда ҳам асосан тадбиркорлар, хомийлар яқиндан ёрдам беришди.

Қодир ШОДМОНОВ,
«Mahalla» мухбири.

ХИВАДАГИ МЕҲР-МУРУВВАТ «ШАБАДА»СИ

Хива шаҳрида туғма ногирон ёки турли бахтсиз тасодифлар туфайли майиб-мажруҳ бўлиб қолган болаларни ҳимояга олиш борасида ибратли ишлар амалга оширишмоқда. Шаҳарнинг Газчилар ва Қумёсқа маҳаллалари худудидида «Шабда» боғча-ясиласи қошида ана шундай ногирон болалар тарбияланаётган гуруҳ ташкил этилди. Икки қаватли боғча билан боғча қисми уларнинг ихтиёрига топширилиб, шарт-шароитлар билан таъминланди. Бундай савоб ишини амалга оширишда боғча мудираси, Ўзбекистон халқ таълими аълоҳиси Султонпошша Қўшжонов ташаббускор бўлди. 2003 йилнинг сентябрь ойидан боғчада ногирон болаларни тарбиялаш йўлга қўйилди.

Ҳозир бу ерда 50 нафардан ошмироқ туғма ногиронлар ёки турли бахтсиз фалокатлар туфайли ногирон бўлиб қолганлар тарбияланмоқда. Боғчада таянч ҳаракат тизими яхши ишламайдиган, мия фалажига учраган ёки оёқ-қўли носоглом, сўзлаш, эшитиш қобилиятларидан маҳрум болалар яшайди. Улар кеча-ю кундуз меҳрибон тарбиячиларнинг парварисида. Махсус малакага эга ходимлар улар билан алоҳида машғуллар ўтказишади. Шифокорлар болаларнинг соғлигини мунтазам кузатиб борадилар. Ҳовважон Сайёра Машариповалар, Ирода Солаева, Дилором ва Наташа Абдуллаева, Ирина Муригина каби тарбиячилар, Юлдуз Давлатова, Мадина Бекжонова сингари ҳамширалар алоҳида парварииш талаб қиладиган ногирон болаларнинг худди ўз фарзандларидек яхши қўриб тарбиялашади. Бош йўриқчи Ирина Рижкова ҳар бир машғуллотнинг сермазmun, фойдали бўлиши учун изланишлар олиб борапти.

«Соғлом авлод учун» жамағатси дори-дармонлар, ўйинчоқлар, гигиена буюмлари ва анжомларини етказиб бермоқда. «Заунгур газ қувурлари» бошқармаси боғчани ўз оталигига олган. Туман деҳқон ва фермерлар уюшмаси буғдой, сабзавот маҳсулотларини етказиб туради. Баъзи ота-оналар ҳам ўзларининг беиминат ҳимматларини аяшгани йўқ.

Боғчамизнинг номи бежиз «Шабда» эмас, — дейди мудира Султонпошша Қўшжоннова. — Меҳр-мурувват, ҳиммат-саховат шабадалари биз томон эсиб турибди. Турли ташкилотлардан ўнлаб саховатпеша ҳамюртларимизнинг беиминат кўмагини олмоқдамиз.

Яқин келажақда Хивадаги Бу мурувват масканини Хоразм вилояти бўйича ногиронларни тарбиялаш боғча-ясиласи айлантириш режалаштирилган.

Абдулла САФОВЕВ,
«Mahalla» мухбири.

Боғча атрафи хиёбон, гулзор. Болаларнинг турли машғуллот ўтказишлари, мактаб билимларини шу ерда олишлари учун барча шароитлар яратилган. Ҳозирда тўғрақ фаолият юритади. Турли танловлар, кечалар болажонларнинг ҳаста қўнгилларини кўтаришда яхши самара берапти. «Фитобар»да болаларнинг соғлигини яхшилаш учун доривор гиёҳлардан табиий дамламалар тайёрланади.



СУРАТДА: «Шабда» боғча-ясиласи ногирон болалар гуруҳи фаолиятидан лавҳалар

«Экосан» жамағатси вилоят бўлими томонидан ногиронларга чет элдан ишлаб чиқарилган иккита аравача совғанима истайсан? — Э, булар кундалик вазифангиз. Бунинг учун маош оласиз, — қўлини силтаб қўйди Бектой.

«Экосан» жамағатси вилоят бўлими томонидан ногиронларга чет элдан ишлаб чиқарилган иккита аравача совғанима истайсан? — Э, булар кундалик вазифангиз. Бунинг учун маош оласиз, — қўлини силтаб қўйди Бектой.

«БЕКТОЙ»ЛАРНИ ЕНГИБ ЯШАЙМИЗ!

...Бузуниги ташвишларидан шу қадар толықдими, шаҳардан таскига ўтиреаму, қишлоққа — ушмага етиб, таппа ташласам. Аксига олиб, бир урин бузилиги учун шаҳардан қишлоққа юрадиган таскичи Олимбой ҳайомай ўтираверди. Шу маҳал йўл чеккасида «Тако» тўхтаб, гўлабирдан келган ўзимизнинг Бектой тушди. «Юрақол, укажон битта жой бўш, — дедим-у, унинг гандирақлаб келаятиганини кўриб таъбиим хира тортоди, — кайф шекилли, мияни обдан суюлтирадиган бўлди-да». Бектой деганлари жуда одамхоҳун, қизикчи, бировга озор бермайдиган, ёндоғиларни зериктирмайдиган. Аммо ичиб олган бўлса...

жавоб қайтармасам бўлмади. — Йил бошида таксичиларга ёмон кўриниб, дақиқо гумонларга қолиб, йўлқира ҳақини аввалги ҳолига тушириб қўйганимизда нега миқ этмадинг, бир оғиз раҳмат ҳам демадинг. Шунда бизгаям алам қилди, «агар бензин нархи яна ошгудек бўлса йўлқирани кўтараверинглар», дедик. Шопирларнинг ҳам бола-чақаси, тиричилиги бор ахир.

Хавотирда бораётган таксичи йил-гит менга миннатдорлик назари билан боқиб, машинасини яйраб ҳайдай бошлади. Бектойнинг эса қилқизил қўзлари баттарроқ қонга тўлди. — Яхшиликни миннат қилмайдилар, оға, ҳеч ким билмасаям

сар. Идорама-идора чолиб, туман марказига югуриб, қишлоқ учун йўқни йўндирсак. Шуринг қўруғ оқсоқолнинг югур-югурлари қошки су билан тугаса. Ширкат ҳўжалиги, мактаб, шифохона, қўйинги худуддаги қимир этган жон оқсаб қолса оқсоқоли иш. Бора-бора металл қисқиндилари йиғиш, электр, газ ва бошқа тармоқларнинг тўловларини тўлаб бериш ҳам оқсоқола қолди. Ободонлаштириш, тозаланиш сақлаш, қурилишлар-ку, доимий ташвиш. Энди «Бектой» сингариларнинг дақиллари етмай турибмиди? — Кишлоқни водопроводлаштириямиз, йўлларга асфальт ётқизаямиз, гузар қўриб бераймиз, яна

оға, ҳазиллашам ҳам бўмайди, — деди ялтоқлашиб. — Анчайин, зерикмай бораёлик деган мақсадда шунчаки ҳазиллашам...» Бектойнинг «ҳазил-ҳузили» билан манзилга келганини билмай қолибман. Асабларим таранг эди. Ўзи шундоқ ҳам обдон толиққан эдим, Бектойнинг гаплари эзиб-янчиб ташлади. Юриб бораёган-у, лабларим беихтиёр шивирларди: «Хизматга тўхта!» деб шуни айтадилар-да, шўрғинанг курсим, оқсоқол... Шу дам тўсатдан: «Ассалому алайкум, оқсоқол бува!» бара-варига салом беришди бир тўп болакайлар.

Олам



ЭХТИЁТ БҮЛ ХАТ ТАШУВЧИ КЕЛЯПТИ!

АҚШдаги почтабонлар итлар ҳужумидан тез-тез ўзларини ҳимоя қилиб турганига алоҳида эътибор қилиш керак. Ушбу горажага бориб етадики, йирик шаҳарлардаги ҳам таъмувчилар айрим хавфли итлар бор туманларга хизмат кўрсатишдан бош тортишади. Уларга акустик мўнабна яратилган кашфитчилар рўғамга келишди.

Махсус туманчи бо-шичингиз билан «Скрам» (ҳимоя қуроли шундай аталган) бўлар-бўлмас сўзлар айтиб бақиради. Узок вақт ўтказилган таҳририбу шун кўрсатадики, унга тўла ишончи мумкин. Акустик тўпчанча «отилиши» билан энг йирик ва тажоввузор итлар ҳам довдираб, орқага чекинарган.

Бу машина нов-войларнинг қадим-қадим орзуларини амалга ошириш деса бўлади. У керакли қоршимани яхшилаб аралаштиради ва хамир тайёр бўлгач, уларни бўлақларга бўлади. Зувала бўлақлари музлатилиб, цельсий бўйича минус 20 даража-ли совуқда сақланади. Хамирнинг бузилмай узок туришидаги сир шуки, хамир қорш жараёни бузилмаслиги компьютерлар ёрдамида кузатиб туришдадир.

ЁМОН ОДАТНИНГ ФОЙДАСИ

Кейинги вақтда сақин чўйишининг жўда кене тарқалганини шифокорларни безовта қилмоқда, улар бу одаднинг зарари ҳақида кўпмак мушунтириш ишлари олиб боришларига тўғри келмоқда. Лекин уларнинг маслаҳатига ҳам-ма ҳам қўлоқ олмаётми.

М.ИСЛОМОВА
тайёрлади.

Мурвак қалб МАВЖИ СЕВИНЧИ

Юрагимнинг қоясида юр, Қалб гулининг поясида юр. Диллар узра тошиб келганда, Кипригимнинг соясида юр.

Мен-ла яша, қолгин умрбод Ташрифидан чиқарай сабот. Гул баргидан ёни устингга. Сочларимни тўшак қилиб ёт.

Дудоғимда яша, яшнагин, Кўзларимга учқун ташлагин. Фақат сендан битта илтимос, Ҳаётимдан кетма, қочмагин.

Бу дувёнинг лаззатин бериб, Юрагимдан андуҳлар териб. Бирга кўкка айлайлик парвоз, Ўзгаларга бўлайлик андоз.

СИЗА БЕРДИМ...

Юрак қўлдан севмай қўйган, Исмлири демай қўйган. Дилга азоб бермай қўйган, Муҳаббатни сизга бердим.

Хусним кўз-кўз этгим келмас, Оймомага етгим келмас. Сирым сувга айтгим келмас, Тароватни сизга бердим.

Кўролмаган кўр бўлгандир, Икки дунё хур бўлгандир. Ачинмайман душманимга, Муруватни сизга бердим.



ОПАМ

- Бағри осмонларга ўхшаган отам, Даври давронларга ўхшаган отам, Қизим деб эркалаб бағрига босса, Меҳри уммонларга ўхшаган отам. Йўлимни ёритар меҳрин чироғи, Кўзимни очди ҳар бир сабоғи, Қўлидан қадоқлар кетмаган отам. Термулиб, меҳр-ла бошямни силаб, "Қамол топ" дея, эркалаб-сийлаб, Ҳар босган қадами яхшилик кўзлар — Ғанимат замонга ўхшаган отам...



Жаҳонгир МИРЗО чизган расм.



Алломаalar юртданмиз

ЕТИМГА ЗУЛМ ЎТКАЗИШДАН САҚЛАНИШ

"Мукошафат ул-Кулуб" китобидан

Аллоҳ — жалла ва жалолаху — буюради: — Етимларнинг молларини зулм йўли билан ейдиган кимсалар ҳеч шак-шубҳасиз қоринларига олов еган бўлурлар. Ва албатта дўзахга киражақлар.

— /Етимни оталикка олган киши/ агар бой бўлса /етимнинг молидан/ парҳез қилсин. Бордию камбағал бўлса, яхшилик билан, /яъни қилган хизматига яраша/ олиб есин. Мол-мулкларини ўзларига қайтарганингизда эса гувоҳ келтиринглар. Аллоҳнинг ўзи етарли ҳисоб-китоб қилгувчидир. Аллоҳ юқоридаги оятдан олдин келган оятда етимларнинг ҳақиға жуда қаттиқ риоя қилиш кераклигини айтиб қўйган:

— Кишиларнинг ўзлари ожиз-нотавон фарзандларини қолдириб кетганлари тақдирда улардан ҳавотир олганлари каби, /ўзгаларнинг етимлари ҳақидан ҳам/ кўрксинлар. Бас, Аллоҳдан кўрқиб, /ўлим олдидаги кишига/ ҳақ сўзни айтсинлар!

Аллоҳ бир ваҳйида Довуд алайҳиссаломга шуларни тай-

инлаганди: — Эй Довуд, етимга нисбатан меҳрибон ота сингари бўл! Бева қолган камбағал хотинларга нисбатан марҳаматли бўл! Билиб қўйки, сен нима эксанг, шуни оласан. Яъни сен бошқаларга қандай муомала қилсанг, сенга ҳам шундай муомала қилинади.

Ҳақсиз бўлатуриб, етимларнинг молларини ейиш ва уларга зулм ўтказишнинг оқибатлари ҳақида оятларга мувофиқ ҳолда таъкидланган бир қатор ҳадислар ҳам бор. Ҳадисларда берилажаги айтилган шиддатли жазолар оятларда айтилганлари билан бир-бирига уйғундир. Уларнинг ҳаммаси, инсонларга етимларнинг молини ейиш ва уларга зулм ўтказишдан сақланиши буюради.

Муслим ва бошқа муҳаддисларнинг китобларида қайд

Абу Ҳомид ҒАЗЗОЛИЙ

этилган: Аллоҳ Расули буюрадилар: — Эй Абу Зарр, сен менга заиф кўринасан. Мен ўз нафсимдан нима истасам, сенга ҳам шуни тилайман. Онанг билан отангга қарши борма. Етимнинг молини ишлатишда саҳий бўлма.

Бухорий — Муслим ва бошқалар ҳам қайд этидилар: — Ҳалок қиладиган етти нарсадан бири —

ЕТИМНИНГ МОЛИНИ ЕМОҚ; Ибн Ҳиббон саҳиҳида қайд этади:

Абу Ваъло қайд этади: Аллоҳ Расули буюрадиларки: — Меърож кечаси бир қисм инсонлар кўрдим. Туянинг лабларида лаблари бор эди. Ҳар бирига бир киши тиркаб қўйилган, улар лабларини чанггаллаб икки ёкка тортишар, сўнгра очилган оғизига олов тош отардилар. Жаброилдан: — Ким булар? — деб сўради. Дедики: — Улар ЕТИМЛАРНИНГ МОЛЛАРИНИ ЗУЛМ ЙЎЛИ БИЛАН ЕГАНЛАРДИР!

Миразиз АБЗАМ таржимаси

Ҳаммага бирга қимматли

ЯНГИ ЎҚУВ ЙИЛИ ТУҲФАЛАРИ

ЎҚУВЧИ ФАРЗАНДАРИМИЗ УЧУН

Қадрлар тайёрлаш миллий дастурининг иккинчи сифат босқичида, барча таълим муассасалари, академик лицей ва касб хунар коллежи ўқувчиларини давлат тилида янги замонавий ўқув дарсликлари, адабиётлар билан тўлиқ таъминлашга катта эътибор қаратилган.

Академик лицей ва касб-хунар коллежлари учун А.Абдусаматов, Р.Мирзаев, Р.Зияевлар томонидан яратилган "Органик кимё" ўқув кўланмаси.

Лицей ва касб-хунар коллежларида "Органик кимё" фанидан дарслик бўлмаганлиги туфайли ҳозиргача шу кўланмадан дарслик сифатида фойдаланиб келинмоқда ва бунга талаб катта бўлганлиги сабабли 2003 йилда шу наشريётда 5000 нусхада лотин алифбосида қайта ишланган 2-нашри чоп этилди.

Кўланма XIX босни ўз ичига олиб, унда ўқувчилар органик кимёнинг назарий асослари, фанининг алоҳида мавзулари бўйича асосий тўшунча ва қоидалар; органик бирикмаларнинг асосий синфларининг номенкла-тураси ва изомерияси; олиғиш усуллари; физик ва кимёвий хоссалари, уларнинг кишлоқ ва халқ ҳўжалигида ишлатилиши соҳалари билан танишдилар. Талабаларнинг мустақил фикрлаш доирасини кенгайтириш, фани чуқур ўрганиш, ҳамда олиғинган назарий билимлардан амалий кўникма ҳосил қилиш мақсадида, ҳар бир бобдан кейин лаборатория ишлари, ҳамда назорат саволлари берилган. Қўланмада органик кимёнинг ривожланишига катта ҳисса қўшган ўзбек кимёгарларининг ишлари акс эттирилган, органик бирикмаларнинг Ўзбекистондаги табиий манбалар, уларни қайта ишлаш йўли билан олиғинган маҳсулотларни ишлатилиши кўрсатилган.

А.Абдусаматов ва бошқаларнинг "Organik kimyodan mashq, masala va testlar" номли ўқув кўланмаси эса, "Organik kimyo" дарслигининг давоми бўлиб, унда органик кимё фанининг асосий бўлимлари (органик синф бирикмалари) бўйича машқ ва масалалар, тестлар тўплами ва уларнинг жавоблари келтирилган. Демак, бу кўланма ўқувчиларнинг аудиторияда олган назарий билимларини мустаҳкамлаш, пухта эгаллашлари учун, ҳамда уй вазибаларини мустақил бажаришлари учун "иккинчи дарслик" вазифасини бажаради.

Ушбу кўланма 14 бобдан иборат бўлиб, улар органик бирикмаларнинг асосий синфларини ўз ичига олади ва академик лицейларнинг ўқув дастурига тўла мос келади. Ўқув кўланманинг ҳар бир бобиди мавзу бўйича 3-4 та намунавий масалаларни ечиш услуби берилган. Бу эса, ўқувчиларнинг кўланмада келтирилган машқ ва масалалар, тестларни мустақил ўзлари ечишлари имконият яратади. Қўланмада келтирилган машқлар ва тестлар соддадан мураккаблик асосида тузилган бўлиб, бу эса ўқувчиларни нафақат дарсликлардан, балки қўшимча адабиётлардан фойдаланиб, ўз билимларини мустақил оширишга имконият яратади.

Бир сўз билан айтганда, бу икки ўқув кўланмалар "Органик кимё" фани бўйича бир-бирини (назария ва амалиёт) тўлдирувчи мукамал комплекс ўқув адабиётлар ҳисобланади. Гарчи кўланмалар академик лицей ва коллеж ўқувчиларга мўлжалланган бўлсада, улар ўрта мактабнинг юқори синф ўқувчилари, ОУЮИга кирувчи абитуриентлар учун ҳам жуда фойдали ва зарур ҳисобланади.

Хулоса қилиб айтганда, ушбу ўқув кўланмалар ўз вақтида, ҳозирги замон талаби асосида ёзилган бўлиб, уларнинг кўп нусхада чоп этилганлиги академик лицей ва касб хунар коллеж ўқувчиларини замонавий дарслик ва ўқув кўланмалар билан таъминланишига муаллимларнинг қўшган катта ҳиссаси деб ҳисоблайман.

Шаҳноза РАҲМОНОВА, кимёгар.

ТАЪТИЛ ГАШТИ



Р.ГАЛИЕВ олган сурат.

МУБОРАҚБОД МАММУЗ

Сурхондарё вилояти Оқоёқоллар кенгаши ва "Маҳалла" жангарнаеи вилоят бўлими Девоқ тўлими Оқоёқоллар кенгаши ва "Маҳалла" жангарнаеи тўлими Целом ҚОДИРОВНИ табаррук этми қарши олишти нувоабати билан еамиллий муборакбод тағи. Қамға, у кишига езоқ улр, еузат езоқ нам.лик тилайди.

ЭЪЛОНЛАР

Утерянный диплом 260398 выданный Ташкентским институтом инженеров железнодорожного транспорта в 7.07.2000 г. (рег 42969). На имя Явочева Алишера Тахирджановича считать не действительным.

Меҳнат Вазирлиги ташки миграция агентлиги томонидан "Нодир-Транс" МЧЖга 2428 рақамли чет эл ишчи кучини жалб этиш учун берилган лицензия йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Ташкент вилояти Паркент туманидаги 8-ўрта мактаб томонидан 2003 йилда Нишонова Латофат Аловидиновнага берилган OR 17 1438277 рақамли шаходатнома йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Бухоро вилояти, Ё, алҳазар!

ҚАБРИСТОНДАГИ ЎФИРЛИК

икки баднафсининг мурдани тунаганлари ҳақида

Доим қабристон олдидан ўтсак, беихтиёр "Ўтганларнинг жойи жаннатда, охирати обод бўлсин", дея қўлларимизни дуога очамиз. Юрагимизни аллақандай бир хўрсиниқ туйғу асир этади. Атрофи тўсилиб, саришта қилинган қабристонларни кўрсак, шу маҳаллада захматкаш одамларнинг борлигидан хурсанд бўламиз. Ўзларининг қазо қилган қавмлари хотираси учун, нафақат биригина қабр бошини, балки, бутун мазорини қаровсиз қолдирмаётган инсонларни алқаб қўямиз. Акси бўлса-чи?!

Пул, мол, дунё илнжидида мазорлардан моддий манфаат, насиба излаётган одамларни ким деб аташ мумкин?!

Айтишларича, мазорлардан олиғинган биригина хас ҳам ўша кимсага дунёча зарар етказар экан. Аммо ҳаромдан ҳазар қилмаган баъзи бир кимсалар арвоқлар руҳини безовта қилиб, қабристонда ҳам ўғирлик қилмоқдалар.

Яқинда шундай воқеа юз берди: Мирсодиқ акани дафн қилганларидан сўнг марҳумнинг қўшилари Аҳмад ва Толиб разил ният ила тун ярмида қабристонга йўл олдилар. Ҳали тупроқнинг намчили хиди кўтарилмаган мазорини қовлай бошлашди. Иш поёнига етгач, мурда ўралган қафани очишди. Мурданинг очик юз томони эса аллақачон тупроққа тўлиб бўлган эди. Ёвуз ниятли бу икки кимса мурданинг жағларини куч билан шафқатсизларча эзиб, унинг тилла тишларини суғуриб олишди. Тилкаланган жасадни яна қайта гўрбанд этишдию, тилла тишларни тақсимлашда келишолмай қўлишди. Натижанда Аҳмад жаҳл устида мурданинг тишларини суғурган пичоги билан Толибни қаттиқ жароҳлатди. Унинг қўлидан мурда жағидан қўқиб олиғинган тилла тишларни юлқиб олди-ю, кийим-бошидаги чоп изларини йўқотиш учун катта анҳор бўйида тушди...

Маҳалла аҳли эртасига туприқдан сўнг пичоқланган Толибнинг ҳам, сувга

чўккан Аҳмаднинг ҳам тобутини қабристонга қўйдилар.

Ромитан тумани "Ромитан" давлат ҳўжалигида яшовчи Даврон исмли йигит ҳам қабристондан "насиба" ахтаришдан тап тортмайдиғанлар хилидан экан. У катта мазор олдиди тикланиши лозим бўлган масжид учун яроқли қурилиш материалларини ўғирлаб, пуллашга киришган эди. Аммо, бу қилмиши тезда ошкор бўлиб, ҳам тегишли жазога тортилди, ҳам эл олдиди шарманда бўлди.

Бир неча ой илгари маҳалламиздан анча нарироқда жойлашган катта мазордаги чироқ симлари ва чамбаргагу сағаналарни ўғирлашди. Қанчадан-қанча қабр тошлари эса тўйлар учун тикланган иморатларга олиб кетилганлиги ҳам аниқланди. Наҳотки, орамизда шундай паस्ताк, иймонсиз кимсалар бор? Бу воқеаларни эшитган борми, "Астафурulloh" дея ёқасини ушлайди.

Мазор бошини суғуриб, марҳумлар хотирасига дуою фотиҳа ўқиган киши Маккаи Мадинани зиёрат қилган кишидек савоб олар экан. Биз оқориди тилга олган кимсаларни эса мазорлардан дунё излаган осий бандалар, десак адашмаймиз. Улар қабристонлар олдидан марҳумлар руҳига жаннатлар тилаб эмас, балки, жирканч режалар тузиб, нимани қандай ўмарши мумкинлигини чамалаб ўтадилар.

Лайло ҲАЙИТОВА



МУНАЖЖИМАТ МАВЖУРИ

КҮЙ (21.03-21.04)

Сиз анча пайтдан бери кўз юмиб келган айрим ноҳуш ҳолатларга қарши энди ҳам бефарқ бўлаверсангиз, бунинг оқибати катта ташвишлар келтиради.

СИГИР(22.04-20.05)

Шуни билингки, айрим пайтларда сиз уюштирадиган «қиймат»дан бошқалар қаторида ўзингиз ҳам азият чекасиз. Навбатдагисига эса ўринсиз рашиқингиз сабаб бўлади.

ЭГИЗАКЛАР (22.05-21.06)

Бордию ҳамкорларингиз ва ҳамкасбларингизнинг сизни анчадан бери «уш-шириб» юргазларини билиб қолсангиз, бу аламингизни яқинларингизга сочши учун сабаб бўла олмайд.

КИСКИЧБАКА (22.06-22.07)

Молиявий-тижорат ишларингизни айни кунлада тартибга солиб олмагангиз, кейин катта ташвишларга рўбарў бўлишингиз мумкин.

АРСЛОН (23.07-22.08)

«Ҳамма ишларим жойида» деб ўз-ўзингизни алдашингизнинг асло фойдаси йўқ. Ундан кўра муаммоларни ҳал этишга жиддий киришинг.

ПАЗИЗОД(23.08-22.09)

Шу кунларда дам олишсиз фаолият юритиш оқибатида анча толиқиб қолишингиз мумкин. Дам олишни унутманг. Барибир юмушларингиз хали-бери тугумайди.

ТАРОЗИ (23.09-22.10)

Сизга нисбатан паस्ताкчи қиладилар, яна бунинг турли вақт-вақтлар билан хаспўшламоқчи ҳам бўладилар. Уларга тегишли жавоб қайтариш.

ЧАЕН (23.10-22.11)

Шуни ёдда тутингки, айни кунларда ортиқча, сизга умуман кераги йўқ бўмлар учун катта саф-ҳаражатлар қилишга мажбур бўласиз. Кейин эса афсусланасиз.

ЎҚОТАР (23.11-21.12)

Ўз салоҳиятингиз, куч-қувватингизга ортиқча баҳо бериб, қурбингиз етмайдиған ишга қўл уринишгиз мумкин. Кейин уни ниҳоясига етказолмай қийналасиз.

ТОҒ ЭЧКИСИ(22.12-19.01)

Айни кунларда сизга молиявий, катта маблағлар билан боғлиқ масалаларни ҳал этишни кейинроққа қолдириб туришини маслаҳат берамиз.

КОВҒА (20.01-18.02)

Нима учундир шу кунларда сиз ҳардам-хаёл, фаромуш ҳолатини бошдан кечирасиз. Табиат қўйида дам олиш яхши натижа берса ажаб эмас.

БАЛИК (19.02-20.03)

«Қўрқанга қўл қўринар» деган мақол сизнинг яқин кунлардаги руҳий ҳолатингизга жуда мос келади. Ўзингизни қўлга олиб, ишга киришинг.

Mahalla logo and contact information for Chori Latipov.

Тахрир хайъати: Аъзам ГАДОЙБОВ, Акмал САИДОВ, Нигматилла АБДУЛЛАЕВ, Бобур АЛИМОВ, Рустам ҚОСИМОВ, Расул РАҲМОНОВ, Мавлуда ҚОСИМОВА, Бахтиёр РИЗАЕВ.

Тахрир хайъати: Шухрат РИЗАЕВ, Бехбуд ЖУМАЕВ, Таънаберди ҚУРБОНОВ, Эркин ҒУЛОМОВ.

Газета таҳририят компьютерларида терилди ва саҳифаланди, офсет усулида босилди. A-2, 2 босма тоб. «Шарк» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонасида босилди. Тошкент, Матбуотчилар кўчаси 32. Телефонлар: Кабулхона — 136-53-93. Тел/Факс: — 133-44-25. Масьул котиб: 136-53-75. Хатлар бўлими: 136-57-62. 6456 нусхада чоп этилди. Буюртма Ғ-926 Топширилди — 1 2 3 4 5